


## V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 11836 тани ташкил қилди. Вилоят бўйича кичик тадбиркорлик корхона ва ташкилотларининг сони Урганч шаҳрида 2989 та, Хива шаҳрида 1217 та, Хива туманида 1288 та, Урганч туманида 1255 та, Хонқа туманида 862 та, Янгиариқ туманида 792 та, Хазорасп туманида 731 та, Гурлан туманида 663 та, Қўшқўпир туманида 622 та, Боғот туманида 521 та, Шовот туманида 496 та ва Янгибозор туманида 400 тани ташкил қилди.

### Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2018 йил январь–июнь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо соҳасида (жами ташкил этилган субъектларнинг 29,7 фоизи), саноат тармоғида (21,1 фоиз), қурилишда (13,8 фоиз), қишлоқ,ўрмон а балиқчилик хўжалигида (11,5 фоиз) ташкил этилган.

**Кичик корхоналар ва микрофирмалар сони**  
(бирлик, фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2018 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-июньда	
		ташкил топди	туғатилди
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>11836</b>	<b>933</b>	<b>456</b>

*шаҳарлар:*

Урганч	2989	247	131
--------	------	-----	-----

Хива	1217	78	5
------	------	----	---

*туманлар:*

Боғот	521	50	75
-------	-----	----	----

Гурлан	663	51	32
--------	-----	----	----

Қўшқўпир	622	61	20
----------	-----	----	----

Урганч	1255	125	51
--------	------	-----	----

Хазорасп	731	59	27
----------	-----	----	----

Хонқа	862	69	22
-------	-----	----	----

Хива	1288	58	18
------	------	----	----

Шовот	496	53	26
-------	-----	----	----

Янгиарик	792	52	29
----------	-----	----	----

Янгибозор	400	30	20
-----------	-----	----	----

2018 йил январь-июнь ойларида вилоятда рўйхатга олинган янги кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони 933 тани ташкил топган бўлиб, бу кўрсаткич Урганч шаҳрида 247 та, Урганч туманида 125 та, Хива шаҳрида 78 та, Ҳонқа туманида 69 та, Қўшқўпир туманида 61 та, Хазорасп туманида 59 та, Хива туманида 58 та, Шовот туманида 53 та, Янгиариқ туманида 52 та, Гурлан туманида 51 та, Боғот туманида 50 та ва Янгибозор туманида 30 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 64,8 фоизи (2017 йил январь-июнида 67,5 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-июнда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 790,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 31,9 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизни ташкил қилди;

- 1997,8 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ташкил қилди;

- 687,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 60,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбата 114,5 фоизни ташкил қилди;

- 813,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 89,7 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 102,1 фоизни ташкил қилди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 3,3 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 89,8 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 72,9 фоизи ёки 1764,7 млрд. сўми (ўсиш 100,4 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 69,1 фоизи ёки 1347,0 млрд. сўми (ўсиш 101,4 фоиз) шакллантирилди;

- 25,8 млн АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 63,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди. 66,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 97,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**  
(2018 йилнинг январь-июнь)

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1997,8	99,0
Саноат	790,4	31,9
Қурилиш	813,9	89,7
Чакана савдо	1764,7	72,9
Юк ташиш, млн тн.	15,0	91,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	177,9	94,3
Экспорт, млн. АҚШ долл.	25,8	63,6
Импорт, млн. АҚШ долл.	66,3	97,2

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши**  
(фоизда)

